



UNDERSTANDING THE ANTHROPOLOGICAL IDENTITY OF WOMEN IN MODERN DEVELOPMENT

Azimov Ashirali

Andijan state medical institute

Teacher of the department of social humanities

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11090032>

ARTICLE INFO

Received: 22th April 2024

Accepted: 29th April 2024

Online: 30th April 2024

KEYWORDS

Women, society, personal
development, national identity.

ABSTRACT

The article describes the issues of understanding the anthropological identity of women in modern development.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТДАГИ АНТРОПОЛОГИК ЎЗЛИГИНИ АНГЛАШИ

Азимов Ашир Али Мехмонбоевич

Андижон давлат тиббиёт институти Ижтимоий гуманитар фанлар кафедраси
ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11090032>

ARTICLE INFO

Received: 22th April 2024

Accepted: 29th April 2024

Online: 30th April 2024

KEYWORDS

Хотин-қизлар, жамият,
шахс тараққиёти, миллий
ўзлик.

ABSTRACT

Мақолада хотин-қизларнинг замонавий тараққиётдаги антропологик ўзлигини англаш масалалари баён этилган.

Табиат, жамият ва шахс тараққиёти билиш жараёни билан боғлиқ бўлиб, ўзаро оламдаги предметлар муносабати ва ўзгариши унинг объектидир. Билишда эса объектдан ташқари субъектнинг ўзини билиши ҳам муҳимдир. Бу ҳол жамият тараққиёти туфайли предметлар дунёсининг беқиёс кенгайиши, илм-фан, техника ютуқлари шароитида тирик ва нотирик предметлар моҳият- мазмунини билиш билан бирга, одамларнинг ўзини англаши ҳам ижтимоий қимматга эга бўлиб борди. Глобал макон, ахборот алмашувининг тезлиги дунё халқлари ва давлатларига иқтисодий тараққиётнинг янги даврини бошлаб берса-да, ижтимоий-маънавий жиҳатдан инсон маънавияти ва маданиятида умумийлик омилининг тарқалишига олиб келди. Шу маънода ижтимоий англашда миллийлик, динийлик, ижтимоийлик каби соҳаларда инсоннинг моҳиятидан бегоналашувига кузатилмоқда. Бу ҳол муаллиф томонидан илмий муомалага аёл идентифлиги (хотин-қизларнинг миллий-диний ҳиссиёти ва



фаолиятини айнанлиги, ўз миллати ва динига тўлиқ мослиги) атамасини киритишга эҳтиёж туғилганлигини эътироф этади.

Арастунинг “Ўзлигингни англа!”, деган васияти инсоннинг ижтимоийлашувидаги муҳим жиҳат ҳисобланиб, ўзликни англамаслик ижтимоий ҳалокатга олиб келади. Ўзбек халқи фарзанд тарбиясида ўзликни англаш мақомига алоҳида эътибор билан ҳар бир ота фарзандига ўзининг насл-насаби, келиб чиқиши, касби-кори ҳақида ҳар бир луқмада эслатиб турган. Оилавий ҳаётда боланинг етти пуштини билиши демографик оилавий соғлом маданиятнинг таъминлаши, авлодларнинг қон қўшилмаслиги билан бирга ўзининг генефондини тоза тутиш учун зарурият эди. Россиялик педагоглар ёшларнинг миллий идентификациясида таълимнинг ташкилида фуқаролик ва миллийликка урғу бериши ижобий ҳодиса, деб ҳисоблаймиз.

Хотин-қизларнинг миллий ўзлигини англаши ўта муҳим ижтимоий-маданий, миллий-диний, иқтисодий хусусиятлари билан эркакни ижтимоийлаштиради. Бу хусусиятларда аёл ўзини ўзгалар билан алоқадорлиги миллий-диний бирлиги ва касбий ҳамкорлигини тушуниб етган. Унинг руҳиятида шу ижтимоий гуруҳнинг бир аъзоси сифатида ҳис этиши туфайли у миллий-диний, касбий бурч ва вазифаларни бажариши зарурият ва қонуният эканлигини ҳис этиб турган. Таниқли олим А. Ипатов аёлнинг идентификациясида унинг миллатидан кўра диндорлиги шахс тафаккурида чуқурроқ сингиб кетганлигини таҳлил этган. Христиан мамлакатларида шахсни аниқлаш юзасидан савол берсангиз энг аввало “православман” ёки “католичкаман”, дея жавоб бериши тафаккурда диннинг устуворлиги кузатишган. Мусулмон мамлакатларида ҳам айнан одамлар ўзлигида “Алҳамдиллаҳи мусулмонман” жавоби ўзбек ёки тожик аёлининг миллатига мансублигидан кўра, диндорлигида ўзини маънавий ҳис этган. Шу боис, ўзликни англашнинг моҳиятида тарихан хотин-қизларнинг ижтимоий масъулиятини бажариши билан боғлиқ ички назорат, яъни виждон омили шаклланган. Хорижий манбаларда ўзликни табақавий ўз шон-шараф ва ахлоқий англаш жиҳатини ҳам кузатиш мумкин. А. С. Пушкин рафиқасининг ор-номуси учун Эдмон Дантесни дуэлга чорламаганида у буюк рус шоири сифатида эътироф этилмаган бўларди. М. Лермонтов кўзлари “мовий ранг” йигит рус офицери шаънини ҳақоратига йўл қўйиб, омон қололмасди. Ҳозир Токиода ҳарбий ҳаракатларда асир тушиб, озод этилган япон солдати яшамоқда, лекин у ўз миллатига кўрина олмай, ёлғизликда азобли кун кечираётган жони ширин “самурай”дир. Шу маънода ғарб жамиятида идентификация ижтимоий фанларнинг устувор муаммоси сифатида тадқиқ этилган.

Хотин-қизларнинг идентификацияси масаласида суд-криминалистика соҳасида ўта муҳим аҳамиятга эгалигини мисол қелтириш мақсадга мувофиқдир. **Идентификация** деганда номаълум объектни маълум бир объектга мос белгиларини солиштириш орқали аниқлаш, фуқарони эса муайян ҳужжатлар асосида давлатнинг фуқароси сифатида шахсини ташқи қиёфасининг белгиларига кўра аниқлаш криминалогик аҳамият касб этади. Шу боис миллий идентификация тушунчаси эса аёлни шу миллатга хос одат, анъана, нафақат ташқи қиёфа, балки ички миллий ҳис-туйғуларни ҳам тийнатида намоён бўлади. Ижтимоий тараққиёт туфайли



байналмиллашув жараёнида миллий-диний прозелитизм жараёнининг ўсиши ҳам мазкур масалани янада долзарб муаммога айлантиради.

Идентификация кишилиқ жамияти ҳаётида аёлнинг миллий-диний белгиларини ўзида сақлаб қолишдан ташқари ижтимоий-демографик муаммоларга, яъни гендер тенглиги мафкураси остида аёлларнинг эркакларга хос белги ва хусусиятларга эга бўлса, эркаклар ўзининг эркаклиқ белгиларидан ихтиёрий равишда воз кечиб, ўзга жинсда ўзини “қулай ва ёқимли” (комфортли) ҳис этиши ижтимоий муаммонинг нозик жиҳатидир. Фарғона водийси вилоятларида бир неча трансгендер ёшлар очиқлантирилган бўлса, очиқланмаганларининг мавжудлиги гендер тарбияси заруриятининг ўзига хос кўрсаткичидир. Бу ҳол идентификациянинг ижтимоий ҳаётдаги ўзгариш ва вазиятнинг тенденциясини тушунишга ёрдам беришида муҳим аҳамиятини кўрсатади. Гендер идентификациясининг давлат, жамият ва шахс ҳаётида ижтимоий инқирозга олиб келувчи таҳдидларини хорижий илмий тадқиқотларда социологик далиллар асосида ишлаб чиқилган.

Ўзбек миллати ўзининг миллий ўзлигини шакллантиришда миллий либосларга кўп урғу берилгани, “бошда дўппи ғоз юрарман”, “белингда белбоғинг бўлса майдонга чиқ!” каби ибораларда йигитнинг тийнатиға эътибор қаратишини кузатиш мумкин. 1916 йил юртимиздан 250дан ортиқ йигитлар Карело-фин ўлкасида “рабочий батальон”га олинган. Улар фронт линияларида мудофаа иншоотларини қурилишида фойдаланилган. Шундай бўлса-да, ўша вақтда рамазон ойи кириб, барча мардикорлар очликдан ўлиб кетишган. Манбанинг гувоҳлик беришича, рус офицерлари мусулмонлар истеъмол қиладиган таомларни дастурхонга қўйган, ҳатто ўрмон ичида ҳам қолдирган. Бирорта мусулмон очликдан силласи қуриса-да, лекин таомга қўл чўзмаган. Рус дворяни “Агар овқат емасангизлар мен ўзимни отаман”, дея тўппончани иягига тираган. Тўппонча ўқи офицернинг бош чаноғини ўпириб чиққан, лекин одамлар дастурхондаги овқатга қараб жон таслим этаверган. Бу ўзбекнинг мусулмонлик мақомига хос ва мос идентификацияси эди. Яна бир тарихий маълумот, Бухоро шаҳридаги чойхонада бир одам оғир аҳволда тиббий ёрдамга муҳтож бўлиб қолган. Табиб у одамни мутлақо соғлом, фақат “қорни оч”, дея ташҳис қўйган. Бу ўзбекнинг ижтимоий пок халқлиги идентификациясига далолатдир. Голландиянинг Амерсфорт концлагеридаги 101 бобо ва оғаларимизнинг қаҳрамонлиги миллатнинг “дўппи ёки белбоғ”га садоқати, дунё халқларига ўзбекнинг маънавий “БАТАН” идентификациялашувининг намоёиши ҳисобланиши хорижий илмий тадқиқотларда таъкидланган. Чунки, фашист армияси кўмондонлиги ўзбекни “одамча”, паст сортли шахслар деб ўйлаган эди. Шу боисдан миллий-диний идентификация маънавий-маърифий ишларнинг ташкилида ҳам илмий қимматга эгадир.

Иккинчи жаҳон урушида немислар асирлар орасидан сиёсий комиссарларни қидириб, тезлик билан уларни жисмоний йўқ қилган. Чунки, улар асирликда ҳам хавфли бўлиб, қуролсиз асирларни қуролланган душманга қарши оёқлантира олган оташин коммунистлар эди. Энг оғир дамларда инсон имкони бўлмаганда командирлар “ораларингизда коммунист борми?”, дея ҳужум ёки мудофаани ташкил этган. Жангчи ўзини коммунист сифатида жангга кириш учун мурожаати собиқ мафкурани инсон маънавиятидаги нақадар чуқур илдиз отган идентификациясининг кўрсаткичидир. Бу



ҳол шахснинг кимлигига урғу бериши билан ўзгалардан кўра кўпроқ масъулият ва жавобгарлик тақвosi ҳисобланади. Иккинчи навбатда, партизанлар шундай жангчи бўлганки, улар ҳамиша фашистларга даҳшат солган. Чунки, улар уруш тартиб-қоидаларига бўйсунмай, Ватан учун кутилмаган жойдан зарба бериб, кичик бир отряди билан катта-катта армияларни “овора” қилган. Бу турли-туман халқларнинг ёвузликка қарши инсоний ҳамкорлик бурч ёки садоқатини англашидир. Шу маънода аёлнинг яратилиши илоҳий ҳодиса бўлиб, улар бундан фахрланиш ҳуқуқи ҳақида мукаддас китобларда маълумотлар келтирилган.

References:

1. Авагимян А.А. О соотношении понятий этничность, этническое самосознание и этническая идентичность// <file:///C:/Users/Public/Documents/o-sootnoshenii-ponyatiy-etnichnost> etnicheskoe-samosoznanie-i-etnicheskaya-identichnost.pdf (Дата обращения 18.06.2021)
2. Дашковский П.К. Шершнева Е.А. Национальная и гражданская идентичность: рабочая программа учебной дисциплины // Народы и религии Евразии –2018, – № 3 (16). -С.130.
3. Ипатов А. Православие и культура –М.: Наука, 2004. – С. 12
4. Эриксон Э. Идентичность: юность и кризис. -М.: Прогресс. 2006. – 344
5. Nurqulova, G. (2023). ACCENTUATION FOR TEENAGERS. Modern Science and Research, 2(6), 274-276.
6. Haydarova, S., & Nurqulova, G. (2023). EMERGENCE OF AGGRESSION AND NEGATIVISM IN PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF ADOLESCENT PERIOD. International Bulletin of Engineering and Technology, 3(10), 62-64.